

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БЕШТИЛОВЧИ ЙИЛИ

мусобақа
миллионлар ижоди

1974
МАЙ
САҲИФА 4

БИНОКОРЛАР,
ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҳамма еридаги сингари Ўзбекистонда ҳам беш йилликнинг белгиланган йили топириқларини муваффақиятли бажариш учун қизғин кураш бормоқда. Ишчи коллективлари олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш тадбирларини кўриб, имконият ва резервлардан самарали фойдаланишга ҳарат қилмоқдалар. Республика саноатининг меҳнаткашлари, бинокорлар ҳамда транспортчилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига муносиб тўғралар тайёрлаш учун мусобақани авж олдириб, янги меҳнат зафарларини қўлга киритаётirlар.

Индустриянинг турт ойлик якунилари тўла ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Ўзбекистон саноати маҳсулот реализация қилиш январь-апрель ойлари пилани 103,7 процент қилиб адо этди. Турт ой мобайнида меҳнат унумдорлигини ошириш пилани 103 процент қилинди. Пиланида ташқари 126 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Республиканинг барча обласлари ва Қорақалпоғистон АССР саноат маҳсулоти реализация қилиш пиланининг ортиги билан адо этишга муваффақ бўлдилар.

Саноатнинг кўпгина тармоқлари пилани қўшимча маҳсулот тайёрлаш мусобақасида яхши натижаларга эришдилар. Республика Пилани тўғрисида саноатининг корхоналари йилнинг олдинги ойларидан сингари апрель ойида ҳам топириқларини зиёда қилиб бажардилар. Бу министрлик пиланида ташқари йил бошидан бери 58,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришти. Республика Ёнгил саноат министрлиги корхоналари коллективлари пилани қўшимча 11 миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Озиқ-овқат саноатининг министрлиги ҳам пиланида зиёда қўшма маҳсулот тайёрлади ва реализация қилди. Гўшт ва сўт саноат министрлиги корхоналари пилани қўшимча ишлаб чиқарган ва реализация қилган маҳсулот 6 миллион сўмликни ташкил этди.

Шунга қарамадан, республика саноатида пилани бажармаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Турт ойда 37 корхона пилани адо этмади. Натияжада 9,3 миллион сўмлик маҳсулот ҳам реализация қилинди. Тошкент экскаватор заводи, Самарқанд ҳолодильник заводи, Наманган мебель фабрикаси, Сурхондарёдаги «Шароун» кўйир қони ҳам ўтган ойларда пиланини бажармади. Бу корхоналарнинг коллективлари мавжуд резервлардан самарали фойдаланиш, ўтган ойларда ишлаб чиқарилмай қолган маҳсулот ўрнини тўлдириш ҳаракатини қилишлари керак.

Қурилиш ташкилотлари ишида бирмунча сиқилиш бўлди. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 13 процент кўп капитал-маблаг ўзлаштирилди. Республика қурилиш ташкилотларида анчагина пиланини ортириб бажарган, капитал маблаглардан фойдаланишда яхши натижаларга эришган ҳолда, қатор йилги бинокорлик коллективлари тегишли даражада ғайрат кўрсатмадилар. Натияжада республика қурилиш ташкилотлари турт ойлик министрлиги ташкилотлари турт ойлик пиланида айтилган 98 процент адо этди. Қишлоқ қурилиш министрлиги ўтган йилга нисбатан 8 процент ўшига эришган бўлса-да, турт ойда пилани 98 процентдан оширилмади. Монтанж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги пилани 104 процент, «Главташкентстрой» бинокорлари 102 процент адо этдилар. «Узколхозстрой» бирлашмаси қурувчилари ва монтажчилари апрель ойи топириқларини 101 процент ва турт ойлик пилани 102 процент қилиб бажардилар.

Юбилей йили объектлари қурилишини тезлаштириш лозим. Бинокорлик ташкилотлари бутун куч ва имкониятларини ишга тушириладиган объектларга сафарбар қилишлари керак. Токи, бу йил қурилишнинг топириқларидан объектлар йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб пардозланиш, ўратилган машина-ускуналар созилишини зарур. Ҳамма объектлари йил охирида қуриладиган ташкилотлар топириқ бўлмади-ку! Шунинг учун ҳам қурилиш ташкилотлари отин қамчилашлари, зарбдор объектларда ишларни тагин ҳам жадаллаштириб юбориш тадбирларини кўришлари керак.

Транспорт ташкилотлари саноат ишлаб чиқаришини яхшилашга, қурилиш ишларини тезлаштиришга яқиндан ёрдам бердилар. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорт министрлиги коллективлари турт ойда юк ташини топириқларини 107 процент ва пассажирлар ташини 102,5 процент адо этишни таъминладилар. Бу, ана шу министрлик қарамоғидаги ташкилотлар ўтган йилнинг турт ойиданга нисбатан 13 процент юксалишга эришганликлари кўрсатади. Ўрта Осиё темир йўли магистралчилари юк ташини ва пассажирлар ташини пиланини 102,5 ҳамда 102,9 процент бажардилар. Граждан авиацияси бошқармаси юк ташини топириқларини 104,8 ва пассажирлар ташини топириқларини 104,5 процент адо этди.

Турт ойлик натижаларни индустриянинг меҳнаткашлари, бинокорлар ҳамда транспортчилар янада ғайрат кўрсатиб ишлашлари лозимлигини кўрсатади. Олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақани авж олдириб, қамроқ сарф ҳарат қилиб, кўпроқ сифатли маҳсулотлар тайёрлаш тадбирларини кўришга даъват этади.

— Вера опа, нечани йил ҳисобига ишла-
япсиз?
— Бир минг тўққиз юз етмиш еттинчи
йил ҳисобига.

— Узингиз-чи, Дилоракон?
— Мен ҳам. Лекин, сиздан бир ой ортда
ман. Сизга ҳавасим келади, 48 дастгоҳни
бошқариш осон эмас. Сиз тўққан жоиз-
биз гапаларни кўзи қамаштиради.

— Жуда мактаб юбордингиз-ку. Ҳали кўп
ишларини керак. Трикотаж тўқувчи Шоира-
галтак ўтказиш учун 32 минут ўрнига 9 ми-
нут сарфлапти. Икки беш йиллик топириқ-
ни бизлардан олдин ундайладек шеклил-
— Пойфазалчи Саид Раҳимовни айтмай-
сизми? Ҳамкасблари ўртасида рекорд кў-
сатиб эришти. Ҳозир 1974 йилнинг ок-
тябры ойи пиланини ҳам бажарди, деб
эшитдик...

Тошкент пойфазалчилар саройида яқинда
ўтган республика енгил саноати илгорлари
даврасида ана шундай қизғин сўхбатларни
гувоҳи бўлди. Улар белгиланган йил-
нинг биринчи қавртида эришган муваф-
фақиятларини ўртоқлашиб, тажриба алма-
шиб, масалаҳатлашиб, навбатдаги жанговар
вазифаларни белгилаб олиш мақсадида бу
ерга йилиндилар.

Социалистик мусобақа беш йилликнинг
ўтган йиллари мобайнида енгил саноат
корхоналари коллективларига нисбатан берди.
Зиммага олинган юксак социалистик
мажбуриятлар қандай бажариляпти? Ўзе-
бекистон енгил саноати ишчи, инженер-тех-
ник ходимлари белгиланган йилнинг турт
ойлик пиланини ошириб бажардилар.
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартия-
сининг 50 йиллигига муносиб армуғон тай-
ёрлаш учун авж олдирилган социалистик
мусобақада енгил саноатчилар қувончли

Чирчиқ трансформатор заводи коллек-
тиви КПСС Марказий Комитетининг
СССРдаги барча сайловчиларга, граж-
данларга сайлов олди Мурожаатига жа-
вобан баракани меҳнат қилмоқда. Су-
ратларда: (чапдан) социалистик мусоба-
қа пешқадамлари Нуриддин Йўлдошев,
Дилбар Мусантова, Журабек Рустамов,
И. Глауберзон фотолари.



★ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ★

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Магистраллимизда техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, юк ортиш-тушириш ишларини тақомиллаштиришга ҳар қачонидан ҳам кўпроқ аҳамият берилмоқда. Ҳаққ ҳўжалигининг юксалиши темир йўлчиларнинг яна ҳам ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашини тақозо этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабри Пленуми қарорларини амалга ошириш учун қурашиб, юк ортиш-тушириш, ташини ишларини тезлаштириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Юзага келган илгор тажриба-ларни қўлланганидан кўп наф қўрганимиз. Яқинда Москвадаги Люблина станцияси коллектив бошлаб берган ташаббус-ни кенг муҳомаа қилдик. Техника воситаларидан турги фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ортиш-тушириш таъналарини қамай-тириш тадбирларини белгилаб олдик. Поездлар ҳаракати гра-фиги ва қатон технологияни жа-раёнлар тақомиллаштиришмоқ-да. Ҳамма хизмат бўлима-ларининг ўзаро ҳамкорлиги мус-таҳкамланмоқда.

Ўрта Осиё темир йўли — Иттифоқимиз магистраллари орасида энг йирик ва техника жиҳатидан яхши таъминланган коллективлардан бири. Бош-қармақиси қошида ҳисоблаш-макмиз мавжуд. Унда ишоп-чи ахборот алоқаси ҳамда аниқ ҳисоблаш машиналари бор. Қурилиш ишларига ҳар йил 6-7 миллион сўм сарф-ламоқда. Ўтган йил 200 ки-

лометрдан ортиқ масофада по-ездлар ҳаракатини бошқариш ишлари автоматлаштирилди. Барча асосий кўрсаткичлар бўйича пилан муддатидан аввал бажарилди ва қўшимча 3,5 миллион тонна юк жүнатилиди. Меҳнат унумдорлиги пилани-дан 1,4 процент ортиди. Юк ташини таъналарни белгиланган-дан бир процент арзовлашди. Пиланида ташқари олинган фойда 3 миллион сўмини таш-кил этди. Янги темирйўллар қурилишига салкам 7 миллион сўм сарфланиб, 300 та оғо-лантирувчи стрелкалар авто-матлаштирилди. 200 кило-метрга темир-бетон шпаллар ва 800 метри ахлит рельс-лар ёқилди.

Йўлчиларга хизмат кўрса-тишни бутун чоралар билан тақомиллаштириш — энг му-ҳим вазифаларимиздан бири. Бу соҳада анча ишлар қили-нди. Поездларнинг узоқ масо-фаларга ва республикамиз шаҳарлари орасидаги қатнов-и кўпайди. Илгарига қўшимча Тошкент — Самарқанд, Аш-хобод — Душанба шаҳарлари орасида поезд қатнови йўлга қўйилди. Бир қанча поезд составларига ГДР заводларида қурилган кутеларни янги ки-лиш билан вагонлар тиркалди. Электр поезди йўлчиларга манзур бўлмоқда.

Темир йўли экономика-ми-зининг қон томири дейишлари беиз эмас. Ҳаққ ҳўжалиги ривожланган сари темир йў-ли хизматида фойдаланишнинг аҳамияти ортаверади. Бу ас-тарнонинг ана шу тармо-

Мамлакатимизда уста, уда-
бурон деган номни халқ азалдан
жуда ҳурматлайди. Биз ана шу
номга бўлган ҳурматни тагин ҳам
кучайтиришимиз, ишда юксак
сифатга эришадиган кишиларни
бутун чоралар билан рағбатлан-
тиришимиз керак.

А. И. БРЕЖНЕВ



ХУШҲАБАРЛАР

САМАРҚАНД. «Серп и Молот» консерв заводи коллектив бел-
гиланган йилнинг дастлабни турт ойини муваффақиятли якунлади.
Пиланида ташқари 500 минг банна маҳсулот тайёрланди. Қўшимча
30 минг сўмлик консерв реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги
пиланида белгиланганидан 7,9 процент ошди.

СИРДАРЁ. Йирик нур манбаи — Сирдарё ГРЭСи бугунгача Ўрта
Осиё ягона электр системасига 2 миллиард киловатт-соатдан ортиқ
энергия берди. ГРЭС бунёдкорлари 300 минг киловатт қувватли
учинчи блокни барвақт ишга тушириш учун социалистик мусоба-
қани авж олдириб юбордилар.

БУХОРО. Пиланашлик фабрикасининг ишчан коллективни
йиллик топириқни муддатидан ўн уч кун илгари адо этиб, пилани
қўшимча 60 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бе-
рган. Фабриканинг 300 га яқин ишчиси шахсий беш йиллик пиланига
эга. Юздан ортиқ пиланаш ҳозирнинг ўзидаёқ шахсий беш йиллик
пиланини бажариб қўйишди.

ЖИЗЗАХ. Янги тузилган «Дизажводстрой» трестининг ҳўжа-
лик ҳисобиди иккинчи участкаси қурувчилари Жиззах гидроэлект-
ри қурилишини бошлаб юборишди. 50 миллион сўмдан ортиқроқ лойи-
ха қиммати эга бўлган гидроузел Сангзор дарёсида қурилади.

Сўз-пешқадамларга

КАСБИМ
МАЗМУНИ

Беш йилликнинг зарбдор иш-
шооти — Катта Наманган канал-
ли қурилишига 1968 йили кел-
ганим. Бундан аввал Марказий
Фарғонани ўзлаштиришда, Катта
Андижон каналини қуришда ва
кўпгина ирригация тармоқларида
фаол қатнашдик. Касбим билан
фахрланаман. Чунки биз сув
етақловчиларимиз. Об-ҳаёт оор
жойда эса боғ-роғлар, кўрмалар
қишлоқлар, посёлкалар бунёд
этилади.

Ҳозир Катта Наманган канал-
нинг 45-нуқта-дан то 610-нуқта-
сигача бўлган участкаларда иш-
лаялган. Ҳар ойда 22-25 минг куб
метр тупроқ иш бажариб, 1976
йил пиланини алақанча адо этиб
қўйганман. Беш йилликнинг тур-
тинчи йилида икки йиллик нор-
мани бажаришга бел болаган-
ман. Дастлабни натижаларим қу-
вончли. Турт ойда саниқз ойлик
пилани ундайладек, 1977 йил меҳ-
нат календарини очдим. Ниятим
— беш йилликнинг белгиланган
йилида ўзининг беш йилликнинг
уч йиллик пиланини адо этишдир.

У. ҚУРБОНОВ,
«Наманганводстрой» трест-
нинг 5-механизациядан
кўчма колонна экскаватор-
чиси.

ТЎЛҚИНЛАР
ҚЎЙНИДА

Неча йилдир, ҳар тонгни мо-
вий деңизнинг сермажи, ерша-
бада, муздек қўймада кутиб ола-
ман. Кун бўйи менга ҳайроҳлик
қилган қуёшнинг ҳам ўғиллар сари
шу ердан қуваёт қоламан. Деңиз
тўқналарини басма-басига
ериб қираман. 75-80 километрга
ча сузиб бориб, кўз пиланаси қир-
ғоқларга нигоҳ ташлайман. Ҳар
гал иш қушим шундай аважли
ўтади. Якуни эса янада аважли,
мазмунли бўлади. Муш-қуа баян
олайман.

Магистрал эмас, тўққизинчи
беш йилликда ҳаммаси бўлиб
880 центнер балнқ олашми
керак эди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 1200
центнерга етди. Бугунгача бир
центнер балнқнинг таъналарини 5
сўмга арзонлаштиришга, салкам
6 тонна билнқ текаб қолншга
эришдик. Беш йилликнинг қолган
бир йилу саниқз ойи ичида яна
780 центнер балнқ олайман. 4,5
тонна билнқ ва ахтир қисмлар
учун ахтирлашган маблаглардан
анчагина қўшимча текаб қола-
ман. Келма ҳамда мотоплогалар-
нинг узоқ муддат ремонтиси иш-
лашини таъминлайман. Булар ме-
нинг икки беш йиллик нормам
қўрсаткичларидир.

М. ОЙНАЕВ,
ҚК АССР Мўйиқ райондаги
«Октябрь» 40 йиллиги полхо-
за балнқчиси.

ИЗДОШЛАР

Белоруссия ССР магистрал ва
корхоналарида бошланган химий-
лар билан темир йўлнинг ўрта-
сидида муқтаҳам қаморнинг рес-
публикамизда ҳам ўз издошлари-
ни топмади. «Тинчлик» стан-
цияси темир йўлчилари билан
Навоий химия комбинати ишчи-
лари бир хил технология бўйича
иш кўриб, янги таърипларни иш-
га солишди. Улар корхона
маҳсулотларини тегишли адрес-
ларга элтиш сўхбатини тезлаш-
тирмоқдалар. Сўнгги бир ойнинг
ўзида Ўрта Осиё республика-
лари, Қозғистон, Поважье, «Я-
мал» Навка полхо-за ва совхоз-
ларга мўлкадагидан 7.000 тон-
на кўп аммиак селитраси юбо-
рилди. Транспорт цехида меҳнат
унумдорлиги қариб икки бара-
вар ошди. Вагонларнинг оёкор
туриб қолнши қискарди.

Ҳозир уч жойда бир йўла 24
вагонга юк ортнмоқда. Тўғни
сменада кунлик иш миқдорининг
50-60 проценти бажариляпти. Ҳар
бир вагонда юзлаб килограмм
қўшимча ўғит юборилапти.
Ш. БЕКЖОНОВ.

лари ҳақида ийманиб, жуда қисқа гапи-
ришди.

Вера СОЛДАТОВА, Тошкент тўқимачилик
комбинатининг Меҳнат Қизил Байроқ ор-
денли тўқувчиси: — Зиммамга олган беш
йиллик топириқларимни икки ярим йилда
ундайдик. Қолган вақт ичида яна бир беш
йиллик пилани бажаришга сўз бердим. Ах-
дим қатъий. Учта ёш ишчига устозлик қил-
ялман. Улар тўқувчилик касбини кунт билан
ўрганишляпти. Суяқли шоғирдин Вера Ива-
ненко ишчи маҳорати бўйича ўтказилган
республика конкурсида учинчи ўрнини ол-
ди...

Дилора ИСЛОМОВА, Фарғона тўқимачилик
комбинатининг Меҳнат Қизил Байроқ ор-
денли тўқувчиси: — Юқори зиликка
ўтиб ишлаётганимга уч йил бўляпти. 11 та
дастгоҳ ўрнига 14 та дастгоҳда меҳнат қил-
ялман. Беш йилликни алақанча бажарган
эдим. Қолган вақт ичида пиланида ташқари
83 минг метр газлама тўқига сўз бердим.
Имкониятларимни ҳисоблаб қўриб, дастгоҳ-
ларимни яна битта оширишга қарор қил-
дим.

Саид РАҲИМОВ, Тошкент 1-пояфзал
фабрикасининг Меҳнат Қизил Байроқ ор-
денли фрезерчиси: — 1946 йилдан бери шу
корхонадаман. Ўтган уч йилда 11 та ёш
ишчига хунар ўргатдим. 1973 йилда беш
йилликни бажариб, пилани қўшимча юзлаб
жуфт пойфазлага ишлов бердим. Ҳар юз
жуфт пойфазлага ишлов беришда норма-
даги 73 минут ўрнига 36 минут сарфлая-

РЕСПУБЛИКА ЕНГИЛ САНОАТИ
ИЛГОРЛАРИ ДАВРАСИДА

ютуқларни қўлга киритдилар. Пиланида таш-
қари минглаб сўмлик халқ истеъмол бую-
млари реализация қилинди. Қабул қилин-
ган мажбуриятларда йил охиригача тагин
35 миллион сўмлик пилани қўшимча маҳсу-
лот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Енгил саноатимизнинг 40 га яқин корхо-
наси коллектив ўз зиммасига олган соци-
алистик мажбуриятларини ундайладек. Фар-
ғона тўқимачилик комбинати, Тошкент трико-
таж фирмаси, Андижон ва Бухоро тўқувчи-
лик фабрикалари, Наманган шойи ва кес-
томбоп газламалар комбинати, Чирчиқ,
Янгийўл, Самарқанд пойфазал фабрикалари
шўлар жумласидандир.

Мавлўми, тўққизинчи беш йиллик то-
пириқларини муддатидан илгари бажариш
ва нуқул аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш
шiori остида илгор тўқимачиларимиздан
Л. Казанцева, Е. Губина, А. Абдурахмонова,
Б. Стаднченко, А. Тўхтасинов ва А. Умаров
ўртоқлар ажойиб ташаббус кўрсатдилар.
Ҳозирги кунда республикамиз халқ ҳўжа-
лигида бу ташаббуснинг минглаб издошлар
бор.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Мар-
казий Комитети бир гурупа турли касб-кор-
да илгор ишчиларининг бир беш йиллик-
да икки беш йиллик топириқларини бажари-
ш ҳақидаги ташаббусларини маъқуллади.
Бу ташаббусни бошлаган ишчиларнинг турт
нафари — В. Солдатова, Д. Тошпулатова,
С. Мўйиқова ва С. Раҳимовлар енгил са-
ноат корхоналарида меҳнат қилишди. Тў-
ққизинчи беш йилликда икки беш йиллик

Биз илгорлар даврасининг бир неча иш-
тирокчилари билан сўхбатладик. Улар ўз-

